

Хурматинг янада ошди



07:10 / 20.07.2019 1168

Зайд ибн Аслам айтади: «Абу Ҳозим билан бирга Соифа деган жойда эдим. Абдурраҳмон ибн Холид одам юбориб, Абу Ҳозим билан гаплашиш истаги борлигини билдирди. Абу Ҳозим ўша одамдан Абдурраҳмон ибн Холидга: «Аллоҳ сақласин, мен шундай илм эгаларини кўрдимки, улар динни дунё аҳлига ташимайдилар. Мен бу ишни биринчилардан бўлиб қилганлардан бўлиб қолмайин. Бирор ҳожатинг бўлса, ўзинг кел», деб айтиб юборди. Абдурраҳмон элчидан бу гапни эшитгач, Абу Ҳозимнинг олдига ўзи борди ва унга бир неча саволлар берди. Бироз суҳбатлашиб ўтиргач, кетар чоғида чақирганда бормаганини назарда тутиб, «Мана шу ишингиз туфайли менинг наздимда ҳурматинг янада ошди» деб, Абу Ҳозимга ҳурмат изҳор қилди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан